

## А Ж Р И М

2022 йил март ойининг 7 куни жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг очик суд мажлиси, суд биносида бўлиб, раислик қилувчи судья С.Ш.Содиқов, судья ёрдамчиси С.Ш.Узақованинг котиблигида, томонлардан Пайариқ туман прокурори катта ёрдамчиси Б.Султонов, маҳкум М.Синдоровнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси 1-қисми билан судланган маҳкум Синдоров Музаффар Бекпулатовични ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги Пайариқ туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини тўпланган ҳужжатлар билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагилар,

## А Н И Қ Л А Н Д И

Синдоров Музаффар Бекпулатович (Sindorov Muzaffar Bekpulatovich) 1989 йил 17 январда Самарқанд вилояти Пайариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2021 йил 23 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинган, Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 4 июндаги ҳукмига кўра, жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2021 йил 23 апрелдаги ҳукми бекор қилиниб, янги айблов ҳукми чиқарилган ва М.Синдоров Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини кўллаб, иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, “Музаффар Синдоров Замин Даласи” фермер хўжалигида ишчи, Пайариқ тумани “Полвонариқ” маҳалла фуқаролар йиғини “Оболин” қишлоғида яшайди.

Синдоров Музаффар Бекпулатович жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2021 йил 23 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинган, Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 4 июндаги ҳукмига кўра, жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2021 йил



23 апрелдаги ҳукми бекор қилиниб, янги айблов ҳукми чиқарилган ва М.Синдоров Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Суд ҳукми 2021 йил 22 июнда Пайариқ туман ИИО Пробация гуруҳига ҳисобга олиниб, ижрога қаратилган.

Судга, Пайариқ туман ИИБ бошлиғи томонидан тақдимнома киритилиб, унда маҳкум Синдоров Музаффар Бекпулатовичга нисбатан чиқарилган суд ҳукми 2021 йил 22 июнда Пайариқ туман ИИО Пробация гуруҳига ҳисобга олиниб, ижрога қаратилганлиги, маҳкум ахлоқ тузатиш ишлари жазосини “Музаффар Синдоров Замин Даласи” фермер хўжалигида ишлаб ўтаб келаётганлиги, маҳкум ахлоқ тузатиш ишлари жазоси турига ўрнатилган тартиб-қоидалар талабини бажарганлиги, суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини учдан бир қисмидан кўпроғини ўтаганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўталмай қолган 1 йил 3 ой 17 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш сўралган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган маҳкум Синдоров Музаффар Бекпулатович ўз кўрсатувида, унга Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 4 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганлиги, жазони ўташ мобайнида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилганлиги, бирор марта ҳам ҳуқуқбузарлик содир қилмаганлиги, ҳозирда суд томонидан тайинланган жазосини учдан бир қисмидан кўпроғини ўтаганлигини билдириб, ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилишни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган Пайариқ тумани ИИО Пробация гуруҳи бошлиғи Маминов Бобомурод ўз кўрсатувида, маҳкум Синдоров Музаффар Бекпулатович Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 4 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганлиги, суд ҳукми 2021 йил 22 июнда Пайариқ туман ИИО Пробация гуруҳига ҳисобга олиниб, ижрога қаратилганлиги, маҳкум ҳозирда “Музаффар Синдоров Замин Даласи” фермер хўжалигида ўтаб келаётганлиги, маҳкум М.Синдоров жазони ўташ мобайнида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилганлиги, интизомий чора олмаганлиги, ҳозирда суд томонидан тайинланган жазосини учдан бир қисмидан кўпроғини ўтаганлигини билдириб, ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилишни сўради.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандида, маҳкум ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, Пайариқ туман прокурори катта ёрдамчиси Б.Султановнинг фикрини тинглаб, маҳкум М.Синдоров жазони ўташ мобайнида жазо тури учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарганлигини, интизомий чора олмаганлигини, суд томонидан тайинланган жазосини учдан бир қисмидан кўпроғини ўтаганлигини инобатга олиб, ўталмай қолган 1 йил 3 ой 17 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилишни ва Пайариқ туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини қаноатлантиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 541-542-моддаларига асосан суд

#### А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Пайариқ тумани ИИБ бошлиғи тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 4 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаб келаётган маҳкум Синдоров Музаффар Бекпулатович (Sindorov Muzaffar Bekpulatovich) ўталмай қолган 1 (бир) йил 3 (уч) ой 17 (ўн етти) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Маҳкум Синдоров Музаффар Бекпулатовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 5-қисми талаби тушунтирилсин.

Ажримдан норози томонлар йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига хусусий шикоят ёки хусусий протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

С.Ш.Содиқов

